Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 128 (13.390).
9 ИЮНЬ
1966 йил
ПАЙШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон маданияти декадаси қатнашчилари Болгарияга жўнаб кетишди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Ўзбекистон маданияти декадасида қатнашмоқ учун самолётда Болгарияга жўнаб кетишди. Делегация составида Х. С. Шукурова, Т. Н. Қорниёзов, З. Исроилова, М. Қ. Қаюмовлар бор.

Ўзбек санъатининг таниқли усталаридан бир группаси ҳам декада концертларида қатнашмоқ учун самолётда Болгарияга жўнаб кетди.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИОН ПАРТИЯСИНИНГ XV СЪЕЗДИГА

Қадрдон ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети совет коммунистлари кўп миллионли армияси ҳамда барча меҳнаткашлар номидан шонли Монголия Халқ Революцион партияси XV съезди делегатларини самимий табриклайди ва Монголия Халқ Республикасининг барча коммунистларига ва меҳнаткашларига қардошлик саломларини ҳамда съездингиз ишига муваффақиятлар тилаб билдирган энг яхши истакларини йўллайди.

Монголия Халқ Революцион партиясининг XV съезди партиянгиз ва бутун монгол халқи ҳаётида муҳим тарихий босқичдир. Сизнинг съездингиз партиянинг қилган кўп қиррали ишларини ва Монголия Халқ Революцион партияси XV съезди қарорларини ва учинчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш йўлида халқнинг фидокорона, қаҳрамонларча меҳнатини якунлайди. Монголия коммунистлари, мамлакатингизнинг барча меҳнаткашлари социализмнинг мустаҳкам моддий техника базасини вужудга келтиришда, халқнинг моддий фаровонлигини оширишда ўз партияси раҳбарлиги остида катта-катта муваффақиятларга эришди. Социалистик хамдўстлик мамлакатлари бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида тинмай ғайрат ва ҳаракат қилаётган Монголия Халқ Республикасининг халқаро миқёсдаги обрўси ўсди ва кучайди.

Совет коммунистлари, барча совет кишилари КПСС билан Монголия Халқ Революцион партияси ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни, Совет Иттифоқи билан Халқ Монголияси халқлари ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга Монголия Халқ Революцион партияси қўшаётган муҳим ҳиссани юксак қадрлайди. Жаҳон коммунистик ҳаракатининг жанговар отрядларидан бири бўлган Монголия Халқ Революцион партияси ўзининг интернационал бурчини шараф билан бажармоқда, қардош партиялар томонидан 1957 ва 1960 йиллардаги Москва кенгашларида биргаликда ишлаб чиқилган умумий йўлга оғишмай амал қилмоқда.

Биз ишонамизки, Монголия Халқ Революцион партиясининг XV съезди партиянгиз ва халқингиз ҳаётида муносиб ўринни эгаллайди. Съезд Монголия Халқ Революцион партиясининг янги программаси лойиҳасини ва тўртинчи беш йиллик юзасидан директиваларни муҳокама қилиб ва тасдиқлаб, Монголия Халқ Республикасининг социалистик жамият қурилишини тугаллаш йўлидан ривожланишининг янги кенг перспективаларини белгилаб беради.

Сизларга, азиз ўртоқлар, социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!

Яшасин Монголия Халқ Революцион партияси — Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашларининг марксчи-ленинчи жанговар авангарди!

Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги мустаҳкам қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик кучайсин ва ривожланаверсин!

Яшасин социалистик мамлакатларининг, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг марксизм-ленинизм принципларига асосидаги бирлиги!

Яшасин голибона таълимот — марксизм-ленинизм!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

СССР Олий Советига сайловлар шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб ишлаётган республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми, партия XXIII съезди тарихий қарорларини турмушга татбиқ қила бориб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Давлатга пилла топшириш юзасидан йиллик план ва мажбурият баҳорги қурт боқишдаёқ еттинчи июнь куни, ўтган йилдагига қараганда анча илгари бажарилди. Бу йилги баҳорнинг оғир иқлим шароитлари туфайли содир бўлган қийинчиликлар — ҳаво ҳароратининг пастлиги, узоқ давом этган шамоллар ва тошқинларга қарамай, республика пиллачилари фидокорона меҳнат қилганликлари натижасида ипак қуртидан мўл ҳосил етиштирдилар ва тайёрлов пунктларига 16893 тонна юқори сифатли хом ашё етказиб бердилар. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 1650 тонна кўпдир. Республика бўйича ҳар қути ипак қуртидан ўртача 52 килограммдан пилла етиштирилди.

Сурхондарё областининг пилланкорлари ўз социалистик мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида республикада биринчи бўлиб рапорт бердилар. Улар йиллик планни 112 процент адо этишди.

Йирик пилланкор областлар — Фарғона ва Андижон областларининг пиллачилари ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Улар бутун республика бўйича тайёрланган пилланинг ярмидан кўпини етказиб бердилар. Давлатга 4536 тонна юқори сифатли пилла топшириб, йиллик планни 114 процент бажарган фарғоналиклар давлатга яна 600 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Андижон областининг пиллачилари тайёрлов пунктларига 4 минг тоннадан кўпроқ пилла топширдилар ва қўшимча 500 тонна кумуш тола етказиб беришга аҳд қилдилар.

Сирдарё областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам қувончли ютуқларга эришдилар. Улар давлатга пилла етказиб бериш йиллик планини 107 процент, Хоразм областининг пилланкорлари 111 процент, Қорақалпоғистон Автоном республикасининг пиллакорлари 110 процент бажардилар. Самарқанд ва Қашқадарё областларининг пиллакорлари ҳам маррага яқинлашдилар.

Ипак қуртини жадал усул билан боқишдек прогрессив иш усулларини кенг жорий этган Ленинград, Узбекистон, Охунбобоев, Киров (Фарғона области), Чуст, Андижон, Наманган, Денов, Жарқўрғон, Сирдарё, Жиззах, Хазорасп, Янгиариқ, Урганч, Беруний, Тўрткўл, Каттаўрғон ва Нарпай районларининг пиллачилари анча яхши кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Улар ҳар қути уруғдан 60-74 килограммдан юқори сифатли пилла етиштириб, йиллик планларини анча ошириб бажардилар.

Поп районидаги Ленин номли, Ленинград районидаги Энгельс номли, Андижон районидаги Карл Маркс номли, Ленин районидаги «Правда Востока», Жиззах районидаги Навоий номли, Шеробод районидаги Ленин номли, Шўрчи районидаги Калинин номли, Янгиариқ районидаги «Победа», Хазорасп районидаги Ленин номли, Беруний районидаги Оржоникидзе номли, Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхозлари, «Бешариқ», «Ғаниобод» совхозлари ва бошқа қатор хўжаликлар рекорд ҳосил етиштирдилар.

Бундай ғалабага эришишда ипак қуртини жадал усул билан боқишни мукаммал эгаллаб олган донгдор пилланкорларимизнинг ҳиссаси катта. Ленинград районидаги Карл Маркс номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олияхон Султонова, Фарғона районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоздан Тўтихон Худойназарова, Андижон районидаги Карл Маркс номли колхоздан Хосиятхон Юсупова, Ленин районидаги «Правда Востока» колхозидан Нафизатхон Бобохонова, Денов районидаги Калинин номли колхоздан Турди Ашурова, Жиззах районидаги Навоий номли колхоздан Раҳмат Жабборова, Хива районидаги Энгельс номли колхоздан Сора Ортиқова, Шовот районидаги Киров номли колхоздан Ойим Саидназарова, Тўрткўл районидаги «Совет Узбекистони» колхозидан Шукур Қозоқова, «Зомин» совхозидан Тамара Мухторова ва бошқа кўплаб пиллачилар шулар жумласидандир. Улар ҳар қути уруғдан 110-125 килограммдан пилла олдилар.

Давлатга пилла топшириш давом этяпти. Республика пилланкорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, она-Ватанга пландан ошиқча яна 1000 тонна пилла топшириш ва ҳар қути уруғдан олинадиган ҳосилни ўртача 54 килограммга етказишга аҳд қилдилар.

Республика пилланкорларининг катта меҳнат ғалабасида ипак қурти уруғлиги заводлари ишчилари ва мутахассисларининг ҳам хиссаси катта. Улар ипак қурти уруғлиги етиштириш технологиясини тубдан яхшилаш, колхоз ва совхозларни юқори сифатли уруғлик билан тўла таъминлашга эришдилар.

Бу ғалабада янги, сермаҳсул ипак қурти зотларини етиштирган республикамиз олимларининг ҳам улуши бор.

Пиллачиликни ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар партия, совет, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органларининг катта ташкилотчилик ишларининг, қишлоқ меҳнат аҳлининг пилладан мўл ҳосил етиштиришдан моддий манфаатдорлиги оширилганининг, ипак қуртини парвариш қилишда илғор усуллар кенг жорий қилинганининг самарасидир.

Республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва янги беш йилликда пиллачиликни ривожлантириш соҳасида қўйилаётган планларни муваффақиятли бажариш мақсадида пиллачиликнинг ишлаб чиқариш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Республика партия ва совет ташкилотлари партиямизнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бундан буён тағин ҳам юксалтириш тўғрисидаги қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, барча ишчи ҳучлари ва моддий-техника воситаларини экинларни парвариш қилиш ишларини ҳучайтиришга, ғўзанинг ривожланишдан орқада қолаётганига тезроқ барҳам беришга, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирилишини таъминлашга, дон экинларини қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш ва чорвачилик учун ем-хашак тайёрлашга сафарбар этмоқдалар.

Узбекистон колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари, барча меҳнаткашлар мамлакатимиз халқлари олдидаги ўз интернационал бурчини шараф билан бажариш — она-Ватанга янги беш йилликнинг биринчи йилида 3 миллион 750 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан олган мажбуриятларини тўла адо этиш учун қатъий бел боғлаганлар.

Республикамизда пилла тайёрлаш йиллик планининг муваффақиятли бажарилишида Янгийўл районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг пилланкори Саддинисо Иброҳимованинг ҳам ҳиссаси катта. У уч қути ипак қуртининг ҳар қутисидан 55 килограмм ўрнига 90 килограммдан пилла топширди. Суратда: илғор пилланкор Саддинисо Иброҳимовани кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИНИНГ БАЙРОҒИДА — ЛЕНИН ОРДЕНИ

ФАРҒОНА, 8 июнь. Халқимиз Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг гавҳари деб атайди. Бу сермаҳсул жанубий ўлканинг табиати ажойиб, лекин пахтадан мўлқўл ҳосил етиштираётган, улкан химия ва ипак усталари бўлган, нефть ва бошқа фойдали қазилмаларни ер бағридан чиқариб бераётган одамлар бу ўлканинг чинакам бой хазинаси.

Бугун Фарғона областининг йиллномасига янги шонли сана қўшилди. Область меҳнатчиларининг ажойиб ишларини тақдирлаб, Ватанимиз берган Ленин орденини топшириш маросими бўлди.

Фарғоналиклар бу ажойиб кунни янги катта муваффақиятлар билан қутиб олишди. Область корхоналари беш ойлик программани муддатидан олдин бажариб, пландан ташқари анча кўп саноат маҳсулоти бердилар. Область пилласкашлари давлатга пилла сотиш йиллик планини муваффақиятли бажарганликлари тўғрисида ҳам хушхабар келди. Ватан улардан тўрт минг тоннадан кўпроқ қиммат-баҳо хом ашё олди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг бугун Горький номли театрда бўлиб ўтган тантанали мажлиси шу қувончли воқеага бағишланди. Фарғоналиклар билан доимий мусобақадош Андижон областининг вакиллари ҳам бу йиғилишда меҳмон бўлиб қатнашдилар.

Президиум столи ёнида — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц ўртоқлар ўтирибди.

Мажлисни Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов очади. Совет Иттифоқи ва Узбекистон ССР гимнлари тантанавор жаранглайди.

Мажлис аҳли қизғин қутиб олган К. Т. Мазуров қутқ сўзлайди.

К. Т. Мазуров халқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар учун областнинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги туфайли тантанали мажлис қатнашчиларининг ҳаммасини, улар билан бирга Фарғона областининг барча меҳнатчиларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топширувига биноан чин кўнгилдан муборакбод қилди.

Сизлар билан биз, деди К. Т. Мазуров, бутун мамлакатимиз, барча совет кишилари КПСС XXIII съезднинг қарорларини амалга оширишга киришган бир пайтда бу ерга тўпландик. Съезд партия ва халқнинг диққат-эътиборини коммунистик қурилишнинг туб иқтисодий проблемаларига қаратди. Бу проблемаларни ҳал этмоқ учун бутун давлатимизнинг ресурсларини сафарбар қилиш, барча республикаларимиз ва областларимизни бутун чоралар билан ривожлантиришни таъминлаш зарур.

К. Т. Мазуров мажлис аҳлига шу нарсани эслатиб ўтдики, бутун Узбекистон каби Фарғона водиси ҳам бир вақтлар шафқатсиз эксплуатация, қашшоқлик ва бутунлай деярли саводсизлик ҳукмрон бўлган қолоқ ўлка эди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинганлиги Туркистон халқларининг тақдирида катта прогрессив роль ўйнади. Россия билан иқтисодий ва маданий алоқалар мустаҳкамланганлиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг юксалтирилишига, маданиятнинг ўсишига, омманинг революцион онги ўсишига ёрдам берди. Улуғ Октябрь шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнатчиларини зулм, ҳуқуқсизлик ва қашшоқликдан халос қилди.

Меҳнаткашлар бу ғалабага жуда кўп машаққатлар билан эришдилар. Рус ва ўзбек, украин ва татар меҳнаткашлари, бошқа кўпгина миллатларнинг намояндалари граждан уруши фронтларида, босмачиларга қарши олиб борилган жангларда Туркистонни озод қилиш учун ёнма-ён туриб жанг қилдилар, бирга қон тўкдилар ва ўзларининг дўстликларини ана шу биргаликда олиб борган кураш билан мустаҳкамладилар.

Ўша йиллардаги қаҳрамонларнинг номлари — босмачилар билан бўлган жангда ҳалок бўлган Қўқоннинг биринчи комсомоли Абдулла Набиевнинг, учинчи артиллерия дивизиони командири Федор Михайлович Зазвоновнинг, қўшинлар Фарғона группасининг қўмондони Г. В. Зиновьевнинг, Фарғона фронти революцион ҳарбий советининг раиси Н. А. Паскуцкий ва бошқа кўпгина қаҳрамонларнинг номлари олий ҳиммат халқимизнинг хотирасида абадий яшайди. Шу қаҳрамонлар билан ёнма-ён туриб жанг қилган ва ҳозир бизнинг орамизда яшаб турган кишиларга чин кўнгилдан ташаккур билдирамиз.

Улуғ Октябрь Фарғона водисига янги ҳаёт бағишлади, одамларга озод меҳнат гаштини олиб келди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ партиямиз, шахсан Владимир Ильич Ленин собиқ миллий чекка ўлкаларни ривожлантириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатдилар. Биз ишни жуда оз нарсадан, кичкина фабрикалар ва заводлардан бошладик. Эндиликда эса Совет Фарғонаси ривожланган индустрия ва қишлоқ хўжалик ўлкаси бўлиб қолди. У, мамлакатимизнинг асосий пахтачилик ва пиллачилик областларидан бири бўлиб, унинг ривожланган кўп тармоқли саноати бор ва у ўзи чикараётган маҳсулотнинг ҳажми жиҳатидан республикада катта ўрин олиб турибди.

Ўтмишда ўзининг йирик саноати бўлмаган ва деярли ҳамма нарсани четдан олиб турган, ҳаттоки, қулфларни, михларни ва кетмонларни четдан олиб келган бу ўлка эндиликда ўз маҳсулотини жаҳондаги 27 мамлакатга етказиб бермоқда.

Ўтган йили Фарғона деҳқонлари мисли кўрилмаган кўп миқдорда «оқ олтин» етказиб, давлатга 502 минг тонна пахта сотдилар. Революциядан олдин бутун Туркистонда пахтадан шу қадар кўп ҳосил олинмаган эди. Пахтанинг ҳосилдорлиги жиҳатидан область чет эллардаги барча пахтачилик мамлакатларидан анча ўзиб кетди.

Мамлакатимизда нимани қилинаётган бўлса, деди К. Т. Мазуров, шуларнинг ҳаммаси одам учун, унинг фароғати ва бахт-саодати учун қилинмоқда. Экономика ва маданият барқ уриб ўсганлиги совет кишиларининг меҳнати ва турмушини бутунлай ўзгартириб юборди. Бунга Фарғона области яхши мисол бўлиб турибди. Областда халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият тоғ ривожланди.

Мана шуларнинг ҳаммасини Фарғона аҳолиси бўлган ўзбеклар, Совет иттифоқининг ҳамма халқларига, бизнинг жонажон, Совет ҳокимиятимиз, Ленин партияси берди. Партия совет кишисини эксплуатация кишанларидан қутқазди, унинг ижодий ғайратига кенг йўл очиб берди.

Фарғона областининг бу муваффақиятларида, хўжалик ва маданий қурилишида область партия ташкилотининг хизмати катта. Фарғона коммунистлари Совет ҳокимиятининг ғалабаси учун курашда, социализм ва коммунизм қурилишининг ҳамма босқичларида шонли ленинчи партиямизнинг жанговар отрядларидан бири бўлдилар ва бири бўлиб келмоқдалар.

Унутилмас йўлбошчимиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин шарафига таъсис қилинган орден эндиликда Фарғона областининг Қизил байроғида ярқираб туради. Бу — Ватанимизнинг энг катта мукофоти. Бу мукофот қилинган шонли ишларни якунлабгина қолмасдан, шу билан бирга зиммамизга кўпгина вазифаларни ҳам юклайди. Бу мукофотни бундан буён янги муваффақиятлар қозонишга, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съезднинг қарорларидан келиб чиқаётган тағин ҳам мураккаб янги вазифаларни бажаришга, бунёдкорлик ишларининг беш йиллик планини муваффақиятли амалга оширишга даъват қилувчи чақириқ деб билмоқ керак.

КПСС XXIII съезднинг беш йиллик планга доир Директивалари Фарғона областига кенг истиқболлар очиб беради. Бу областда йигирмага якин янги саноат корхонасини қуриб ишга тушириш мўлжалланмоқда. Химия ва нефтни қайта ишлаш саноати, машинасозлик ва енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш янада ривожлантирилади.

К. Т. Мазуров қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларига тўхталиб, КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида қабул қилинган қарорларнинг аҳамиятини уқтириб ўтди, ирригацияни ривожлантириш йўлидаги ажойиб оммавий ҳаракат Фарғонада туғилганлигини уқтириб ўтди. Фарғона областининг колхозчилари Киргизистонлик ва тожикистонлик ўзларининг меҳнатдош дўстлари билан бирга 270 километрли Катта Фарғона каналини рекорд бўларли қисқа муддат ичида — 45 кун ичида қуриб битказган эдилар. Эндиликда қудратли техника совет кишисига хизмат қиладиган бўлиб колди ва кўп меҳнат талаб қиладиган ер ишларининг катта кўпчилиги машиналар зиммасига юклатилди. Лекин халқ қурилишлари ҳозирги кунда ҳам ўз актуаллигини йўқотгани йўқ.

Фарғона областида беш йиллик-нинг ҳамма топшириқлари муваффақиятли бажарилишига ишончимиз комил. Коммунизм идеяларига чексиз содиқ бўлган, ўз ватанига қизғин муҳаббат қўйган, беш йиллик топшириқларини, партиямиз планларини бажариш учун курашга ўзларининг бутун кучлари, билимлари, талантлари ва ғайратларини сарфлашга маҳкам бел боғлаган Фарғонанинг ажойиб кишилари бизда шундай зўр ишонч вужудга келтирмоқдалар.

Фарғона экономикаси бутун мамлакат экономикаси билан мустаҳкам боғланган. РСФСР, Украина, Белоруссия ва бошқа қардош республикаларнинг корхоналари, шаҳарлари ва қишлоқлари Фарғона пахтасига, нефтига, ипагига мунтазир. Айни вақтда мамлакатнинг ҳамма томонидан бу ерга зарур хом ашё, металл, машиналар, ускуналар, халқ истеъмоли моллари юборилиб турибди.

Мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги, ўзаро ёрдами, бир-бирига мададкорлиги ҳамма нарсани енгучи кучдир. Биз бу дўстликни кўз қорачиғидек сақлаб келмоқдамиз ва бундан буён ҳам сақлай берамиз.

Совет ижтимоий тузуми фақат айрим одамлар ўртасида ўз характери жиҳатидан янги ўзаро муносабатларни вужудга келтириб қолмасдан, шу билан бирга бутун-бутун халқлар, миллатлар орасида ҳам янги муносабатлар вужудга келтирди. Жинслик, коллективизм, бир-бирига мададкорлик ва бир-бирига гамхўрликдан иборат бу муносабатлар кейинги кунларда табиий офатдан зарар кўрган Тошкентда айниқса яққол намоён бўлди.

Бутун мамлакат Узбекистон пойтахтига ёрдам қўлини узатди. Дўстга мушкул пайтда ёрдамлашиш — совет кишиларининг муқаддас бурчи. Зилзиладан сўнг дарҳол КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Узбекистон пойтахтига ҳар томонлама ёрдам бериш учун ҳамма зарур чораларни кўрдилар.

Тошкентликлар ҳар қанча мақтовга ва бениҳоя ҳурматга сазовор бўлмоқдалар. Шу қийин кунларда улар бардам ва мардлик, юксак даражада уюшқоқлик, чинакам коммунистик онглилик кўрсатдилар. Ер қимирлаш, кулфат ва қийинчиликлар шу кунгача ҳам-тўхтамаётганлигига қарамай, Узбекистон пайтахти бир маромда меҳнат қилиб, нормал ҳаёт кечириб турибди.

Москва ва Ленинград меҳнаткашлари, Россия Федерациясидаги ўлкалар ва областларнинг меҳнаткашлари, барча иттифоқдош республикалар, кўп миллатли Улуғ Ватанимизнинг ҳамма халқлари зилзила оқибатлари билан курашда ёрдам бериб, ажойиб ташаббус, қардошларча гамхўрлик намуналарини кўрсатдилар. Улар ўз маблағлари ва материаллари билан Тошкентда янги уй-жой бинолари ва бутун-бутун кварталлар қуриб бериш мажбуриятини олдилар.

Турли бинокорлик материаллари ва механизмлари ортилган эшелонлар, қурилиш поездлари ҳозир мамлакатнинг ҳар томонидан Узбекистонга юборилмоқда, янги Тошкент қуриш учун архитекторлар, инженер-техник ходимлар, минг-мингдаб бинокор ишчилар келмоқда.

Вайрон бўлган кўчалар ўрнига яқин йиллар ичида янги Тошкент — мустаҳкам, обод, кўркам, серқуёш, кўкаламзор ва гулзор янги шаҳар вужудга келади. Мана шу ишларнинг ҳаммасида биз социалистик тузумнинг, партиямиз ленинча миллий сиёсатининг, совет халқлари бузилмас дўстлиги ва қардошлиги сиёсатининг қудратли кучини кўриб турибмиз.

Мамлакатимиз катта ва муҳим воқеа арафасида — СССР Олий Советига сайлов арафасида турибди. Якинда КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқининг барча сайловчиларига мурожаати эълон қилинди. Партиянинг бу муҳим ҳужжатида партия, давлат ва халқнинг режалари, планлари, вазифалари тўла-тўкис ва равшан баён қилиб берилди.

Орденли Фарғона областининг сайловчилари коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун умумхалқ овоз беришида актив қатнашадилар, шу тариқа партиянинг сиёсатини тўла маъқуллаганликларини намойиш қиладилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

К. Т. Мазуров ўз нутқида бир қанча халқаро масалаларга тўхталиб ўтди. Социализм кучлари билан империализм кучлари ўртасидаги кураш, деди у, бизнинг давримизда тобора кўпроқ авж олмоқда. Бу кураш ҳамма соҳаларда — сиёсатда, идеологияда, экономикада бўлиб турибди. Шу фронтларнинг ҳаммасида социализм янгидан янги муваффақиятлар қозониши шак-шубҳасиз.

Ўзининг бутун фаолиятида Коммунистик партия социализм ва коммунизм қуришга қўлай халқаро шароитни бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда таъминлаб бериш тўғрисида мутасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. КПСС XXIII съезди бизнинг партиямиз ва Совет ҳукуматимиз жуда қатъият ва изчиллик билан ўтказиб келаётган ташқи сиёсат йўлини ўз қарорларида аниқ белгилаб берди. Бу йўл социалистик мамлакатларнинг бирлигини ва жипслигини, дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашга, миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга ҳамда ривожланиб келаётган ёш давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга, турли ижтимоий ва социал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципини изчиллик билан амалга оширишга, империализмнинг агрессив кучларига кескин зарба беришга, инсониятни янги жаҳон урушидан қутқазишга қаратилган йўлдир.

Партия ҳозирги босқичда энг муҳим ҳисоблаётган ташқи сиёсат чоралари орасида АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига чек қўйилсин, деган талаб биринчи ўринда турибди. Маълумки, АҚШ Женева битимларини қўпол равишда бузиб, Вьетнам Демократик Республикасига босқинчилик билан ҳужум қилди ва Жанубий Вьетнам халқига қарши қонли уруш олиб бормоқда. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси Америка империализмининг ҳақиқий башарасини яна бир марта очиқ кўрсатиб берди. Лекин Вьетнам Демократик Республикаси баланд кўтарган социализм машъалини ҳеч ким сўндира олмаслигини тинчлик ва демократия душманлари ўзларининг аччиқ тажрибаларида кўриб, тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар. Совет Иттифоқи Вьетнам халқининг одилона курашини қатъий равишда қўллаб келди ва бундан буён ҳам унга ҳар томонама ёрдам бераверади.

(Охири тўртинчи бетда).

МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА КАНАЛИНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

УЧҚУРҒОН (Андижон области), 8 июнь. (ЎзТАГ). Бугун тоғ дарёси Норин соҳилида, шу йили фойдаланишга топширилган сув қутариш тўғони ёнида Фарғона водийсининг яна бир улкан ирригация қурилиши — Марказий Фарғона каналига пойдевор солинди.

Янги канал Норин соҳилларидан бошланиб, Марказий Фарғона ичкарисига 116 километр кириб боради. Канал элтадиган об-ҳаёт 140 минг гектардан ортиқ ернинг сув таъминотини яхшилайди, шу ерларнинг қариб ярми биринчи марта ўзлаштирилади. Шунингдек, Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали зонасидаги бир юз олтмиш минг гектардан ортиқ ер қониб сув ичадиган бўлади.

Тўртинчи қурилиш-монтаж бошқармасининг энг яхши экскаваторчилари Мурод Усмонов, Турғун Холматов, Даврон Баҳромов, Мамажон Ғозиев, Дмитрий Пешков, Юсуфжон Мамажоновлар янги сув йўли қуришни биринчи бўлиб бошлаб бериш шарафига муяссар бўлдилар. Улар тупроқнинг дастлабки кубметрларини қазиб чиқардилар.

Канал қазишни бошлаш муносабати билан бўлган тантаналарда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц қатнашдилар.

Қурилишдаги ишларнинг бошлаб юборилганлиги шарафига кўпминг нишилик митинг бўлиб ўтди. Митингни Андижон область партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳайдаров очди.

Митинг иштирокчилари томонидан самимий кутиб олинган К. Т. Мазуров қурувчилар олдида нутқ сўзлади.

«Андижанводстрой» трести тўртинчи қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи В. Н. Фофанов, «Ферганаводстрой» трестидан экскаватор старший машинисти С. Бахарев, Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Жалолов, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Г. Кулатов сўзга чиқиб, ирригация ва мелиорация қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик билдирдилар.

Митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

К. Т. Мазуров ва унга ҳамроҳ бўлган республиканинг раҳбар ходимлари Андижон области бўйлаб саёҳат қилдилар.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ—ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЛИЙ ПРИНЦИПИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ А. П. КИРИЛЕНКО БИЛАН УЧРАШУВИ

СВЕРДЛОВСК, 7 июнь. (ТАСС мухбирлари В. Амплеев, Я. Хуторянский). Свердловск — Чкалов сайлов округининг сайловчилари бугун байрамлардагидек безатилган Луначарский номли опера ва балет театрига тўпландилар. Бу ерда СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Андрей Павлович Кириленко билан учрашув бўлиб ўтди.

Чкалов район партия комитетининг секретари Л. А. Худякова йиғилишни оча туриб, ишончли вакил — «Уралхиммаш» заводи директори В. П. Климентьевга сўз беради. В. П. Климентьев депутатликка номзоднинг ҳаёт йўли тўғрисида гапириб, сайловчиларни А. П. Кириленко учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Тўпланганлар томонидан саммий кутиб олинган А. П. Кириленко нутқ сўзлади. У, ўзини СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиб, юксак ишонч билдирганликлари учун свердловскликларга чуқур ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этди.

◆ ◆

Халқнинг ишончи ҳар бир коммунист учун, ҳар бир совет киши учун турмушдаги энг порлоқ ва энг азиз нарсадир, деди Ўртоқ Кириленко. Партия Марказий Комитети бизларга ана шу ишончни қадрлангиз, уни ўз ишларингиз билан оқлангиз, деб муттасил таълим бермоқда. Мен сизларни ва сизлар орқали сайлов округидаги барча меҳнаткашларни ишонтириб айтмоқчиманки, ўзимнинг бутун куч ва билимимни халққа хизмат қилишга сарфлайман ва сизларнинг ишончингизни оқлайман.

СССР Олий Совети сайловига тайёргарлик КПСС XXIII съезднинг барча совет кишилари, чет эллик дўстларимиз томонидан якдиллик билан кизғин мақулланган қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ ҳаракати жўш урган вазиятда ўтмоқда.

Коммунистик партия бу гал ҳам сайлов кампаниясида партиясизлар оммаси билан мустаҳкам блок, яқин иттифоқ бўлиб қатнашмоқда. КПСС Марказий Комитети ўзининг сайловчиларига қарата чиқарган Мурожаатида партиямизнинг сиёсий платформасини баён этиб берди, унинг келажакдаги режаларини тушунтириб берди. Мурожаатдаги содда ва илҳомбахш сўзлар совет кишиларининг қалбида қизғин акс садо берди. Ўз халқига ҳалол ва берилиб хизмат қилиш Коммунистик партия фаолиятининг олий принципи эканлигини кишиларимиз яхши билишади. Хурсандчилик кунларида ҳам, қайғу вақтларида, оғир дамларда ҳам, тантанали вақтларда ҳам — ҳар қачон партия ўзини халқдан айирмайди. Партия халқ билан ҳамиша мустаҳкам алоқада бўлиб келмоқда, ҳамиша унинг мададига таянмоқда. Партиямизнинг кучи — мана шунда.

Маълумки, СССР Олий Советининг аввалги сайлови бундан тўрт йил муқаддам, айтиш мумкинки, етти йилликнинг ўрталарида бўлиб ўтган эди. Ҳозир етти йиллик босиб ўтилган босқич бўлиб қолди. Етти йиллик якунлари ажойиб ижодкор халқимизга шон-шуҳрат келтирди, совет кишиларини янгидан-янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда ва илҳомлантирмоқда.

Ўтган етти йилликда мамлакатимиз коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлида катта қадам ташлади. Бизнинг Ватанимиз эндиликда энг катта индустриал давлатлардан бири бўлиб қолганлигига совет кишилари фахрланадилар. Социалистик экономикада миқдор ўзгаришларигина эмас, шу билан бирга, катта-катта сифат ўзгаришлари ҳам рўй берди. Фан-техника тараққиёти кўпгина янги ишлаб чиқаришларга ҳаёт бахш этди, халқ хўжалигининг бутун-бутун тармоқларини қайта қуроллантирди. Жамиятимизнинг маънавий ҳаёти тобора бадавлат бўлиб бормоқда.

Бизда социалистик тузумнинг табиатига мувофиқ равишда экономиканинг ўсиши билан бирга халқ фаровонлиги ҳам муттасил ошиб бормоқда. Партия совет кишилари ёлғиб яшасинлар, яхши уй-жойлар билан таъмин этилсинлар, озиқ-овқат маҳсулотларига, пойафзал ва кийим-кечакларга кўпроқ эга бўлсинлар, деганининг юксак маънавий эҳтиёжларини тўлиқроқ қондирсинлар, деган мақсадда халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида жуда катта иш олиб бормоқда.

СССР Олий Советига ўтказилган бундан олдинги сайловдан кейин ўтган тўрт йил мобайнида бу соҳада бирталай ишлар қилинди. Ўртоқ Кириленко совет халқининг фаровонлигини ошириш борасида партия амалга оширган бир қанча ишларни батафсил гапириб берди.

Коммунизм қурилишида мамлакатимиз эришган муваффақиятлар билан ҳаммамиз фахрланамиз, деди нотиқ. Айни маҳалда партия бизга муваффақиятларнигина эмас, шу билан бирга, камчиликларни ҳам кўришни ва уларни лозим даражада баҳолашни ўргатмоқда. Партия мавжуд камчиликларни яширмайди, у ана шу камчиликларни тезроқ тугатиш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўрмоқда.

Марказий Комитетнинг 1964 йилги октябрь, 1965 йилги март ва сентябрь Пленумлари партиямизнинг бутун фаолияти учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ана шу Пленумларда коммунистик қурилишга илмий раҳбарлик қилишнинг ленинча принципларини қайта тиклаш юзасидан қарорлар қабул қилинди, сўнгги йилларда халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган камчиликлар ва хатолар чуқур анализ қилинди. Партия волюнтаризм ва субъективизм кўринишларини қатъиян коралаб, иқтисодий сиёсатнинг янги принципларини ишлаб чиқди. Бу принциплар ишлаб чиқаришни бошқариш ва халқ хўжалигини планлаштиришни социализмнинг объектив иқтисодий қонунлари талаблари билан мувофиқлаштириб олишга қаратилгандир.

Ўзларингизга маълумки, Марказий Комитет мазкур Пленумларининг қарорларини КПСС XXIII съезди, бутун совет халқи якдиллик билан мақуллади ва бу қарорлар активлик билан амалга оширилмоқда. Бу йил саноат корхоналари планлаштириш ва ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтказила бошлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ 250 га яқин корхона янги шароитда ишлаб турибди. Шу корхоналарнинг дастлабки тажрибаси бизда иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилганлиги резервларимиздан энг тўлиқ фойдаланиш имконини беради, оммаиий ижодий ташаббускорлиги учун, бизнинг буюк ишимизда ҳар бир кишининг кобилиятини рўёбга чиқариш учун кенг уфқ очиб беради, деган ишончни туғдирмоқда.

Сўнгра, ўртоқ Кириленко янги беш йиллик планнинг энг муҳим вазифаларини кўрсатиб ўтди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва иқтисодий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, деди у, янги беш йилликнинг ўзига хос хусусиятидир. Шу мақсадда ишлаб чиқаришнинг структурасини янада такомиллаштириш, техника тараққиётини белгилаб берувчи — энергетика, машинасозлик, металлургия, нефть химияси сингари тармоқларни жадал ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Беш йилликнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, экономикамизнинг жуда муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигига эътибор кучайтирилди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан нормал таъминлаш, саноатни эса хом ашё билан нормал таъминлаш қишлоқ хўжалигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағлар икки баравар кўпайтирилади.

Партия XXIII съезди қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг асосий йўли — ишлаб чиқаришни механизациялаш, электрлаштириш ва химиялаштиришнинг мустаҳкам негизида қишлоқ хўжалигини изчиллик билан интенсивлаштириб бориш, шунингдек об-ҳаво шароитлари қийин бўлган зоналарда мелиорацияни кенг кўламда ривожлантириш, деб белгилаб берди.

Съезднинг ана шу йўлини Марказий Комитет амалга ошираётганлигини ўзларингиз биласизлар. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олиш учун ерларни мелиорация қилишни кенг кўламда ривожлантириш масаласини муҳокама қилди. Мелиорация ишларининг ўн йилга мўлжалланган жуда катта программаси қабул қилинди. Бу программани бажариш умумхалқ ишидир. Шу муносабат билан саноат, илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик ташкилотлари олдида каттта-катта вазифалар кўндаланг бўлиб турибди.

Бизнинг партиямиз, деди сўзини давом эттириб ўртоқ Кириленко, келажак режаларини белгилар экан, ҳамиша халқ фаровонлигини янада ошириш зарурлигига асосланиб иш тутади. XXIII съезд Директивларида партиянинг ана шу йўли яққол ифода этилди. Янги беш йилликда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш суръатларини ошириш борасида жиддий қадам қўйилади, меҳнаткашларнинг реал даромадларини аҳоли жон бошига 1,3 баравар ошириш мўлжаллаб қўйилди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақини, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган даромадларини анча ошириш белгиланди. Ижтимоий фондлардан бериладиган пул тўловларни ва имтиёзлар камида 40 процент кўпайтирилади. Пенсия таъминоти, аҳолига коммунал-маиший ва маданий хизмат кўрсатиш яхшиланади. Давлат ва уй-жой кооперацияси маблағларининг ўзи белгилангина авврали беш йилдагига қараганда 100 миллион квадрат метр кўп уй-жой қуриш мўлжаллаб қўйилди. Ишчи ва хизматчилар ҳафтасига икки кун дам олиб, беш кун ишлайдиган бўладилар. Бу — халқимизнинг йирик социал-иқтисодий галабаси бўлади.

Партия билан бутун совет кишилари XXIII съезд қарорларида белгиланган режаларни зўр ғайрат-шижоат билан кутиб олдилар. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспортда беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси қулоч ёзиб бормоқда.

Бизнинг режаларимиз коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришнинг улуғвор иштиқболларини очиб бермоқда. Барча областлар, ўлкалар ва республикалар меҳнаткашларининг кучи, иродаси ва ғайрати ана шу буюк ва олижаноб мақсадларга эришишга қаратилган. Урал меҳнаткашлари, Свердловск областининг ишчилари, колхозчилари ва зиёлилари беш йиллик пещкадамларининг, зарбдор бригадаларнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Мамлакатнинг барча катта ва кичик ишларида, ҳукуматнинг халқ хўжалигини ривожлантиришга доир барча йирик тадбирларида уралликлар ҳамиша меҳнатда ўрнак кўрсатмоқдалар, доимо ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ривожланган саноатга ва битмас-туганмас ер ости бойликларига эга бўлган, қўли гул, порлоқ заковатли, шу билан бирга, жўшқин ватанпарвар қалбли, меҳнатда жонкуяр ва ижодкор ажойиб кишилари бўлган Урал катта шуҳрат қозонди ва умумхалқ муҳаббатига сазовор бўлди.

Свердловск области бутун халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган энг муҳим индустриал райондир. Биз ҳаммамиз шуни мамнуният билан қайд қиламизки, область саноати етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажарди ва мамлакатга пландан ташқари қарийб 3 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берди. Бутун шу йиллар мобайнида Ўрта Урал саноатида ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштириш, янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш, чиқарилаётган машиналарнинг сифатини, пухталигини ва узоққа чидашини ошириш жараёни давом этди.

Ўз санъати билан жаҳонни қойил қилиб келган кекса Урал усталарининг шон-шуҳратини ҳозирги кунда «Уралмашзавод», «Уралтяжмаш», «Уралхиммаш», «Уралвагонзавод»нинг, турбомотор заводи ва бошқа ўнларча корхоналар ишчилари, инженерлари, конструкторларининг таланти ва меҳнатсеварлиги ошириб бормоқда. Бу корхоналар ишлаб чиқараётган кўпгина буюмлар, жаҳондаги энг яхши намуналар даражасига кўтарилган.

Ватанимизнинг барча областлари, ўлкалари ва республикаларида бўлгани каби Ўрта Урал да ҳам совет кишилари турмушида рўй берган ўзгаришлар яхши кўриниб турибди. Шаҳарлар ва ишчи посёлкалари тобора кўркамлашиб бормоқда. Янги шаҳарлар, кўчалар, кварталлар қад кўтармоқда, ободонлаштириш, квартираларни газлаштириш, йўллар қуриш, газ қувурлари ва канализация шохобчалари қуриш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Тўрт йил мобайнида областнинг миллиондан ортиқ аҳолиси янги уйларга кўчиб чиқди. Кўпгина мактаблар, болалар муассасалари, касалхоналар ва поликлиникалар, кинотеатрлар, клублар, маданият уйлари ва саройлари қурилди.

Мамлакатнинг ҳамма жойларида бўлгани сингари областда ҳам савдо корхоналарининг иши яхшиланмоқда, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўпаймоқда, телевизорлар, радиоприёмниклар, холодильниклар, кир ювиш машиналари, пианинолар ва бошқа моллар тобора кўпроқ сотилмоқда. Кишилар яхшироқ кийина бошлаганлиги сезилиб турибди.

Свердловск области меҳнаткашлари СССР Олий Совети сайловига яхши муваффақиятлар билан боратганлигини гапириш ёқимлидир. Ўз-ўзидан равшанки, камчиликлар тўғрисида гапириш ҳеч ёқимли эмас, лекин бу камчиликлар ҳақида гапирмоқ керак, чунки улар ўзимизнинг имкониятларимиз ва резервларимиздан тўла-тўкис фойдаланишга халақит бермоқда.

Шунга эътиборингизни жалб қилиб ўтмоқчиманки, Свердловск шаҳрида ҳам, областида ҳам жамоатчиликнинг ҳаммаси беш йиллиқнинг биринчи йили топшириқларини бажариб ишини яхши бошлаб юбордилар, деб бўлмайди. Областдаги корхоналарнинг 20 процентга яқини беш йиллик планни бажармади, кўпгина заводлар бир маромда ишламаяпти, асбоб-ускуналардан тўлиқ фойдаланмаяпти. Баъзи корхоналарда моддий, меҳнат ва пул ресурсларини тежаб-тергаб сарфлаш учун, маҳсулот сифати учун кураш сўст бормоқда. Қурилиш ташкилотлари бир қанча муҳим саноат объектларини ишга тушириш планларини бажармаётирлар. Область қишлоқ хўжалигида ҳам камчиликлар оз эмас.

Дуруст, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшиламоқ учун областда қилинган ишлар оз эмас. Лекин бундан бу соҳадаги ишларнинг ҳаммаси кўнгилдагидек деган маъно асло келиб чиқмайди. Маиший хизмат кўрсатувчи турли муассасаларнинг, шаҳар транспортининг, медицина муассасаларининг ишидаги, савдони ташкил этишдаги ва бошқа участкаларидаги камчиликлар тўғрисида шикоятлар тушмоқда.

Меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишда ўша айтиб ўтилган камчиликларнинг баъзилари учун объектив сабаблар топилса керак. Масалан, уй-жойга бўлган талабни тўла қондирмоқ учун ҳозир имконият йўқ. Бу вазифани ҳал қилмоқ учун маълум вақт керак бўлади, бу кескин масалани ҳал этиш учун нималар қилинмоқчи бўлганлигини гапириб ўтдим. Бироқ, меҳнаткашларнинг кўпгина асосли шикоятлари учун субъектив сабаблар бор, бу камчиликлар аҳолига хизмат кўрсатишга лозим бўлган органлар ва ташкилотларнинг, кадрларимизнинг ишига боғлиқ.

Аҳолининг энг зарур эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни маҳаллий, ички резервлардан фойдаланиб йўли билан ҳал қилмоқ учун ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўра яхшироқ имкониятлар бор. Шу муносабат билан Ўртоқ Кириленко меҳнаткашларнинг болаларни мактабгача тарбиялаш муассасаларига бўлган талабларини қондириш сингари муҳим социал проблемани жадал ҳал этишда свердловликлар кўрсатган қимматли ташаббусни айтиб берди. Кейинги тўрт йил ичида областда тахминан 80 минг ўринли болалар боғчалари ва яслилари қурилди.

Ўртоқ Кириленко ўз нутқида машинасозлик масалаларига катта эътибор берди. Машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш, деди Ўртоқ Кириленко, XXIII съезд Директиваларига кўра беш йил ичида 1,6-1,7 баравар кўпайтирилмоқчи. Оғир саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги учун, шунингдек халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар учун машинасозлик маҳсулотини ишлаб чиқариш илдамлик билан ривожлантирилади. Бу вазифаларни ҳал қилишда Ўрта Урал заводлари коллективларининг роли катта. Ушбу беш йилликда Ўрта Урал заводларида ноёб ускуналарнинг кўпгина турларини —прокат, энергетика, агломерация, химия маҳсулотлари, экскаваторлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш икки баравардан зиёдроқ кўпайтирилиши керак.

Конструкторлар, технологлар, ишчилар ясси металлни совуқ усулда прокат қилиб берадиган, иш унуми юксак ва комплекс механизациялашган станоклар, эритилган пўлатни узлуксиз қуйиб турадиган установкалар яратиб бериш, 250 минг киловатт қувватли ва буг билан ишлайдиган исиқлик турбиналари, чўмичи 80 кубметр ҳажмидаги одимловчи экскаваторлар, ерларни ғоруриш учун соатига 140 минг кубметр сув чиқариб берадиган янги гидронасослар, ноёб электр машиналар, кўп юк ортиладиган вагонлар, иш унуми юксак химия аппаратлари ишлаб чиқариш сингари муҳим вазифаларни ҳал қилиб беришлари керак.

«Уралхиммаш» коллективи ҳал қилиб бериши лозим бўлган вазифаларнинг мужмалигини алоҳида уқтириб ўтмоқчиман, деди нотиқ. Янги беш йилликда бу коллектив химия аппаратлари ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириши, жаҳонда энг катта карусел фильтрлар ишлаб чиқариши, аммиак синтези учун зўр босимли замонавий колонна аппаратлар, целлюлоза-қоғоз саноати учун узлуксиз ишлайдиган установкалар ишлаб чиқаришни ўзлаштириши керак.

Ҳар бир ишчи, техник, инженер онгли интизомли, ташаббускор бўлиб, ижодий изланиш билан ва тиришиб ишламаса, мўлжалланган бу программани амалга ошириб бўлмайди.

Уралхиммашчиларнинг меҳнатни илмий уюштириш планларини ишлаб чиқиб, жорий қилиш борасида бошлаб берган ажойиб ташаббусига мамлакатнинг юзлаб корхоналари қўшилдилар. Меҳнатни илмий уюштириш меҳнат унумдорлигини тез ўстиришни, ишлаб чиқариш маданиятини ва иқтисодий самарадорлигини оширишни, ишчилар билан инженерларнинг ижодий ғайратларини бирлаштиришни таъминлайди.

Янги қурилишлар мамлакати бўлган бизнинг мамлакатимизнинг кўп сонли бинокорлари янги беш йилликда жуда катта программани бажаришлари керак. Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга 310 миллиард сўм чамаси, яъни ўтган беш йилдагига қараганда 47 процент кўп пул сарфланади.

Свердловск областида сарфланадиган капитал маблағларнинг ҳаҳми беш йил ичида, дастлабки маълумотларга қараганда, 5 миллиард сўмдан ошиб кетади. Ҳозирги замон индустриясининг гигант корхоналари бўлган «Уралмаш» заводи, Синар труба заводи, Нижний Тагил металлургия комбинати ва Баженов асбест комбинатини анча кенгайтириш мўлжалланмоқда. Областда Рефтин ГРЭСини қуриш, қўшалоқ суперфосфат ишлаб чиқарадиган катта корхона, қуймалар заводи ҳамда поковка ва штамповкалар ишлаб чиқарадиган завод қуриш, енгил саноатнинг ва озиқ-овқат саноатининг бир қанча катта корхоналарини қуриш планлаштирилмоқда.

Мамлакатни электрлаштириш ишлари янги беш йилликда кенг авж олдирилиши муносабати билан саноат совуқ усулда прокат қилинган трансформатор пўлат листи ишлаб чиқаришни икки баравар кўпайтириши лозим. Бу вазифани ҳал қилишда Верх-Исет металлургия заводининг зиммасига катта вазифа юкланади. Бу корхона батамом реконструкция қилинади. Заводда жуда катта ишлаб чиқариш комплекси вужудга келтирилади. Энг замонавий ва прогрессив технология билан ишлайдиган бу комплекс жаҳон стандартлари даражасида турадиган ва совуқ усулда прокат қилинган рулон пўлати ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон беради.

Ўрта Уралда энергетикани янада тез ривожлантириш кўзда тутилмоқда. 23 шаҳарга газ етказиб бериш, 90 дан кўпроқ саноат корхонасини газ билан ишлайдиган қилиш, 200 минг квартирага газ киритиш мўлжалланмоқда. Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш кенгайтирилади.

Партия Марказий Комитети Свердловск областининг бинокорлари ва барча меҳнаткашлари ушбу беш йилликда янги шонли ишлар билан Ватани қувонтирадилар, ўз олдиларига қўйилган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни шараф билан бажарадилар, деб умид қилади.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини амалга ошириш совет кишисининг маънавий ўсиши билан, меҳнаткашларни тарбиялаш ишлари билан чамбарчас боғланган. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўз бурчини юксак даражада ҳис қилмаса, улуг ишимизга садоқатли бўлмаса, онгли интизом билан ишламаса, коммунизм қуриб бўлмайди. Шу сабабли Коммунистик партия ва Совет ҳокимияти органлари барча совет кишиларида ва айниқса ёш авлода коммунистик дунёқарашни вужудга келтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Кунт билан ва моҳирона ишлаб, ёшларда коммунистик эътиқодни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир ёш йигит ва қизнинг жаҳонни революцион ўзгартиришдек улуғ ишда ўзининг конкрет ўрнини топиб олишига кўмаклашиш зарур.

Бизнинг партиямиз Ленин васиятларига, амал қилиб, деди сўнгра Ўртоқ Кириленко, тинчликсевар ташқи сиёсатни оғишмай ўтказиб келмоқда. Бу сиёсат коммунизм қуриш учун энг қулай шарт-шароит вужудга келтиришга қаратилган, тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган, империалистик агрессияга қарши қаратилган сиёсатдир.

Маълумки, Совет Иттифоқининг ва бутун жаҳон социалистик системасининг халқаро таъсири тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги, ўз мустақиллиги ва тараққиёти учун курашаётган мамлакатлар ва халқлар янги галабаларни қўлга киритаётганлиги, капитал мамлакатларидаги ишчилар синфи кураши активлашаётганлиги, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати янада ривожланиб бораётганлиги ҳозирги халқаро вазиятнинг характерли хусусияти бўлиб қолди. Худди шу кучлар инсоннят жамиятининг олга ривожланиб боришини, ер юзидаги барча халқларнинг истак ва орзуларини белгилаб бермоқда.

Шу билан бирга империалистик сиёсатчилар ўзларининг агрессив планларидан воз кечмоқчи эмасликларини яхши биламиз. Ҳатто кейинги вақтларда империалистик кучлар активлашаётганлиги кўриниб турибди. Империализмнинг маглубиятга учраётганлиги бу активликка ўзига хос сабаб бўлмоқда, империализмнинг тарих ҳаракатини тўхтатишга ва ҳатто орқага буришга уринаётганлигини акс эттирмоқда.

АҚШ империалистлари Женева битимларини қўпол, бузиб, Вьетнам халқига қарши қонли уруш олиб бормоқда. Интервенциячилар ҳар қанча бебошлик қилсалар ҳам, ўз ватани учун, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун муқаддас урушга кўтарилган Вьетнам халқининг иродасини бука олмасликларига қатъий равишда аминмиз. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Вьетнам халқига ёрдам бериб турибдилар, жаҳондаги ҳамма мамлакатларнинг кенг халқ оммаси Вьетнам халқига хайрихоҳ бўлиб мадад бериб турибди.

Америка ҳарбийларининг Кубага қарши қилаётган ирвогантларлик ҳаракатлари жаҳон жамоатчилигини жиддий ҳаяжонлантирмоқда ва ғазаблантирмоқда. Совет кишилари қардош Куба халқи билан ўзларининг революцион бирдам экипажларини якдил бўлиб изҳор қилмоқдалар. Куба Республикаси якка-ёлғиз эмас, унинг дўстлари бор, бу дўстлар уни қулфатда қолдирмайдилар, — буни ҳарбий авантюраларнинг ишқибозлари унутмасликлари керак.

Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ядро қуролини қўлга киритишга интилаётган ва шу қуролни рўкач қилиб, урушдан кейинги чегараларни ўзгартиришга уринаётган Ғарбий Германия реваншчилари халқаро кескинликни авж олдиришда АҚШнинг Европадаги иттифоқчиси бўлиб ҳаракат қилмоқдалар. Бизнинг мамлакатимиз Ғарбий Германиядаги реваншизм ва милитаризмни фош қилиб ташлаш ва жиловлай қўйиш учун бошқа социалистик давлатлар билан бирга барча зарур чораларни кўрмоқда.

Империалистик давлатларнинг агрессивлиги ошиб бораётган шароитда мамлакатимиз мудофаасини янада мустаҳкамлаш, армия ва флотнинг жанговар қувватини ошириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Социализм ғалабаларини ҳимоя қилиб турган, совет халқининг тинч меҳнатини муҳофаза қилаётган Қуролли Кучларни мустаҳкамлашни партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ўзининг жуда муҳим вазифаси деб биладилар. Ҳарбий авантюраларнинг ишқибозлари шуни билиб қўйсинларки, совет кишиларининг тинчликни сақлаб, қолишга бўлган иродаси, лозим бўлиб қолган тақдирда эса, ҳар қандай империалист агрессорнинг жазосини бериб қўйишга бўлган иродаси Урал пўлати каби бақувват!

Социалистик мамлакатларнинг, коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлиги ва жипслиги халқларнинг империализмга қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган кураши муваффақиятли бўлишини таъминлайдиган ҳал қилувчи шартдир. Бизнинг партиямиз бу бирликни мустаҳкамламоқ учун ўз кучини аямайди. Партиямиз сиёсати якдиллик билан қувватланаётганлиги қардош партиялар делегацияларнинг КПСС XXIII съездида сўзлаган нутқларида ёрқин ва яққол намойиш қилинди. Бундан буён ҳам биз мана шу синалган ленинча йўлдан боравeрамиз!

Пировардида ўртоқ Кириленко свердловскликларга илиқ, саммий кутиб олганликлари ва ишонч билдирганликлари учун яна бир марта ташаккур айтиб, уларга ишларида янги ижодий муваффақиятлар, шахсий ҳаётларида фаровонлик ва бахт-саодат тилади.

ҲАМИША ПАРТИЯ БИЛАН БИРГА

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ М. А. СУСЛОВ БИЛАН УЧРАШУВИ

ЛЕНИНГРАД, 7 июнь. (ТАСС). Бугун Киров сайлов округининг 2 мингга яқин сайловчиси СССР Олий Совети депутатлигига номзод КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Михаил Андреевич Суслов билан учрашиш учун М. Горький номидаги маданият саройига тўпландилар.

Йиғилишни Киров район партия комитетининг биринчи секретари П. П. Можаев очди.

Киров заводидан ишончли вакилларнинг топшириғига мувофиқ биринчи бўлиб слесарлар бригадасининг бошлиғи К. В. Говорушин сўзга чиқди. У, депутатликка номзоднинг таржимаи ҳолини гапириб, Нарва заставаси сайловчиларини сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзоди учун овоз беришга чақирди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан саммий кутиб олинган М. А. Суслов нутқ сўзлади.

◆ ◆

Ўртоқ М. А. Суслов СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганликлари учун Ленинград шаҳар Киров сайлов округи сайловчиларига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдириб ва мен афсонавий революцион шуҳрат шаҳрининг муносиб номзоди бўлишга ҳаракат қиламан, деб уларни ишонтириб, қуйидагиларни айтди: СССР Олий Совети сайлови мамлакатимиз ҳаётида катта воқеадир. Сайлов кампанияси жараёнида Совет давлатининг сиёсий йўли текширувдан ўтказилади, Совет ҳокимияти олий органининг фаолиятига умумхалқнинг ўзи баҳо беради, келгусидаги вазифалар белгилаб олинади.

Коммунистик партия сайловга аниқ ва атрофлича ишлаб чиқилган программа — КПСС XXIII съезди қарорлари билан бормоқда. Бу қарорлар совет жамиятини янада ривожлантиришнинг ажойиб истиқболларини очиб беради. Шу билан бирга, XXIII съезд партиянинг ҳисобот давридаги фаолиятига якун ясаб, 1962 йилги СССР Олий Совети сайлови олдидан партия қўйган сайлов программаси бажарилганлигини намойиш қилиб кўрсатди.

Совет халқи ҳисобот даврида бирталай қийинчиликларни бартараф этиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан коммунизм қурилишида, халқ хўжалигини, фан ва техникани, маданият ва санъатни ривожлантиришда, моддий фаровонликни юксалтиришда янги улкан муваффақиятларга эришди. Ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқи, СССРдаги барча халқларнинг дўстлиги, меҳнаткашларнинг жонажон партия теварагидаги жипслиги тағин ҳам мустаҳкамланди. Бизнинг мамлакатимиз коммунизм сари олға бориш йўлида яна бир поғона кўтарилди. Унинг иқтисодий ва мудофаа қуввати, унинг илм-фан соҳасидаги жаҳоншумул шуҳрати, унинг жаҳондаги воқеаларнинг боришига ўтказаётган таъсири тағин ҳам ўсди.

Совет халқи коммунизм қуриш йўлидан комил ишонч билан борар экан, буни ўзининг улуғ ватанпарварлик ишигина эмас, шу билан бирга, барча социалистик мамлакатларнинг манфаатларига, халқаро ишчилар синфи манфаатларига, бутун прогрессив инсоният манфаатларига мос бўлиб тушувчи буюк интернационал вазифа, деб ҳам билмоқда. Бинобарин, партиямиз билан қаҳрамон халқимизни ана шу ленинча йўлдан тойдира оладиган куч жаҳонда йўқ.

1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик план партия билан совет халқининг коммунизм моддий техника базасини вужудга келтириш учун олиб бораётган курашида муҳим босқич бўлади. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани юзасидан партия съезди маъқуллаган Директивалар саноатнинг барча тармоқларини янада кучли суръатда ривожлантиришни, қишлоқ хўжалигини муттасил жадал суръатлар билан ривожлантириб боришни, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини янада оширишни кўзда тутади.

Янги беш йилликда олдимизда турган вазифалар улкан ва илҳомбахшдир. Шу билан бирга, бу вазифалар батамом реал бўлиб, ҳар қандай юзакичиликдан холи вазифалардир. Йилма-йил жиҳатдан асосланган бу вазифалар совет экономикасининг эришилган тараққиёт даражасига ва социалистик система имкониятларига таянади. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар, бутун совет халқи ана шу вазифаларни бажариш учун ғайратшижоат билан курашмоқдалар. Марказий Комитетнинг сўнгги Пленумларида ишлаб чиқилган ва партия XXIII съездида маъқулланган иқтисодий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш янги беш йиллиқнинг катта ва мураккаб вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг энг муҳим шартидир.

Бизнинг куч-ғайратимиз, аввало бутун иқтисодий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, халқ хўжалигининг барча тармоқларини техника билан қайта қуроллантиришга, иқтисодий меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилмоғи зарур.

Коммунистик партия барча меҳнаткашларни халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат унумдорлигини оширишга, социалистик мусобақани ривожлантиришга, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ривожлантиришга чақиради. Ана шу ҳаракат жараёнида халқнинг новаторлик ташаббуси, ижодий активлиги жўш урмоқда. Биз энг кам маблағ, меҳнат, вақт сарфлаган ҳолда, энг самарали ишлашни ўрганиб олганимиздагина, ҳар бир граждан учун ва умуман бутун жамият учун модий мўл-кўлчилик ва маънавий бадавлатликни таъминлай оламиз.

Саноат маҳсулоти сифатини бутун чоралар билан ошириш навбатдаги беш йилликнинг энг муҳим проблемаларидан биридир. Халқ хўжалигини мукаммал техника билан, аҳолини эса яхши товарлар билан таъминлаб бориш ишига муттасил эътибор бериш лозим. Эндиликда биз бу проблемани ҳал қилмоқ учун лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммасига: юксак даражада ривожланган, кучли индустриал базага, тажрибали кадрларга, илғор фанга эгамиз. Вазифа технология ва ишлаб чиқариш интизомига қаттиқ риоя қилишдан ҳамда ҳар бир участкада, ҳар бир иш жойида ишлаб чиқариш маданиятини оширишдан иборат.

Саноат ғоят кўп қиррали бўлиб қолган ва техника тараққиёти олға томон қилинадиган ҳаракатнинг асосига айланган ҳозирги шароитда, экономикага илмий, оператив ва нухта раҳбарлик қилиш жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Партия социализмнинг объектив иқтисодий қонунлари талабларини ҳисобга олиб, халқ хўжалигини бошқаришнинг, давлат йўли билан планлаштиришни яхшилашнинг ва ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришни кучайтиришнинг янги принципларини ишлаб чиқди, иқтисодий проблемаларни ҳал этишга субъективистик ёндошишни коралади. Тармоқларни марказлашт

ҲАМИША ПАРТИЯ БИЛАН БИРГА

(Боши иккинчи бетда).

Ҳатто, ўзларини «демократик» давлатлар деб эълон қилган буржуа давлатлари ҳам ўзининг ички ва ташқи сиёсатини йирик капиталнинг тор эгоистик, синфий манфаатларига тўла-тўкис бўйсундириш намунасини ҳақиқатда кўрсатиб турибди. Ишчиларга қарши қонунлар, масалан, АҚШда негрларга нисбатан қилинаётган ирқий камситиш, қўпол куч ишлатиш билан кўрқитиш ва шу кучни ишлатиш, прогрессив ташкилотларни ва жамоат арбобларини таъқиб остига олиш, давлат аппаратининг сотқинлиги, капиталистик монополиялар омманинг онгини заҳарлаш мақсадида матбуот, радио ва телевиденидан фойдаланаётганлиги, сайлов ҳуқуқларини турли йўллар билан чеклаб қўйиш ва сайловни сохталаштириш, сайловчиларни алдаш ва уларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириш — буржуа демократиясининг ҳақиқий башараси ана шундай.

Ўзини «эркин дунё» деб атовчи капиталистик дунёда ўнларча мамлакат бўлиб, уларда, ҳатто чўлтоқ буржуа «эркинликлари»ни ҳам чеклаб қўяётган фашистларга тарафдорлик, милитаристик, қўтирчоқ режимлар ошкора ҳукмронлик қилмоқда. Барча капиталистик мамлакатларда меҳнаткашлар ўзларининг жуда чеклаб қўйилган ҳуқуқларини буржуазияга қарши доимий ва оғир синфий курашда ҳимоя қилишга мажбур бўлмоқдалар.

АҚШдаги демократия айниқса қалбакидир. «...Капиталнинг, бир тўда миллиардерларнинг бутун жамият устидан ҳокимлик қилиши бошқа ҳеч бир жойда Америкадаги сингари бу қадар ваҳшиёна бўлиб, бу қадар ошкора сотқинликдан иборат бўлиб кўринмайди»,— деб ёзган эди В. И. Ленин. (Асарлар, 29-том, 506-бет).

АҚШ Коммунистик партиясининг яқинда эълон қилинган программаси лойиҳасида айтилишича, атиги 500 капиталистик корпорация миллий экономикани назорат қилиб турибди. Лекин бу рақам ҳам, дейлади шу ҳужжатда, монополиялар иқтисодий ҳокимиятининг концентрация даражасини тўла-тўкис акс эттирмайди. Ўз навбатида, бир ҳовуч молия гуруҳлари ана шу 500 корпорацияни назорат қилиб туради, шу молия гуруҳларининг энг кучлари энг катта молия корчалонлари — Морган, Рокфеллер, Дюпон, Меллоннинг номлари билан юритилади.

У ерда номзодларнинг миқдори қанча бўлишидан қатъи назар, ҳамиша сайловнинг натижаси қонун чиқарувчи органларга ўз одамларини ўтказиб қўйиш учун реал ҳокимиятга ва жуда катта маблағларга эга бўлган капиталистлар фойдасига ҳал бўла беради. Американинг олий қонун чиқарувчи органида битта ҳам ишчи депутат, меҳнаткаш фермерлардан битта ҳам депутатнинг йўқлиги мутлақо тасодифий эмас.

Партия Марказий Комитетининг 1964 йилги октябрь ва шундан кейинги Пленумлари совет демократияси принципларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. КПСС XXIII съезди Совет давлатини янада мустаҳкамлаш ва совет демократиясини бутун чоралар билан ривожлантириш муҳимлигини яна бир карра таъкидлади.

Давлат ҳокимияти органлари ва халқимизнинг энг оммавий ташкилотлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советлари ролини оширишга партия биринчи даражали аҳамият бермоқда. Советларга икки миллиондан ортиқ депутат сайланмоқда. Улар ўз фаолиятида бутун совет халқига таянмоқдалар. Балоғатга етган ҳар бир совет граждани мамлакатимизда давлат ҳокимиятини амалга оширишда у ёки бу тарзда амалда бевосита қатнашмоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга оширишдаги ўз ваколатларидан тўлатўкис фойдаланишлари, план, молия масалаларини ва бошқа масалаларни ҳал этишда, аҳолига маиший ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилашда кўпроқ ташаббускорлик билан ишлашлари лозим.

Социалистик демократия системасида, деди сўнгра ўртоқ М. А. Суслов, совет гражданларининг эркинликлари билан ҳуқуқлари уларнинг жамият олдидаги вазифаларидан, онгли социалистик интизомидан ажралмасдир. Социалистик демократия — эркин ва онгли меҳнатчиларнинг юксак даражада уюшган жамияти демократиясидир. Бу демократия барча гражданларнинг зиммасига совет давлат қонунларига қатъий риоя қилиш, Совет ҳокимиятининг халқ иродаси ифодаланган планлари ва қарорларини оғишмай, ташаббускорлик ва ижодкорлик билан бажариб бориш, тузумимиз асосларининг асоси бўлган ижтимоий мулкни кўз қорачиғидай асраш ва қўриқлаш, меҳнат интизомига ва социалистик жамият қоидаларига муттасил риоя қилиш, социалистик Ватанни ҳимоя қилишдан иборат юксак бурчни бажаришга ҳамиша тайёр бўлиб туриш вазифаларини юклайди. Социализм шароитида меҳнаткашлар мамлакатнинг бирдан-бир хўжайини бўлишлари билан бирга, айни маҳалда ўз планларининг бирдан-бир ижрочилари ҳамдирлар. Шу сабабли, ижтимоий интизом социалистик демократия таъсирчанлигининг ажралмас таркибий қисми ва гаровидир.

Афсуски, меҳнат интизомини бузиш, текинхўрлик, безорилик ва жамиятга қарши бошқа хаттиҳаракатлар, бизнинг жамиятимизга ёт бўлган идеология кўринишлари ҳали ҳам учраб турибди. Совет кишилари ана шу салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш зарурлигини яхши англаб турибдилар.

Халқаро майдонда икки система — социализм ва капитализм ўртасида ўткир синфий кураш бораётганлигини бир дақиқа ҳам унутмаслик керак. Империалистлар доимо идеологик диверсияларга ва игвогарликлар қилмоқдалар, социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик ишлари олиб бормоқдалар, бу мамлакатларга буржуа идеологиясини ташиб келтиришга тиришмоқдалар. Буржуа пропагандасининг характери ва йўналишлари тўғрисида бир фактнинг ўзига қараб, яъни империализм идеологларининг ўзи бу пропагандани социализм мамлакатларига қарши «психологик уруш» деб таърифлаётганларининг ўзига қараб ҳукм чиқарса бўлади. Ўз-ўзидан равшанки, социализм душманлари совет жамиятининг коммунизм сари ривожланиб боришини тўхтата олмайдилар, лекин биз беғамлик қиладиган бўлсак, улар ана шу йўлда қийинчиликлар ва тўғонақлар вужудга келтиришлари мумкин. Шу сабабдан, бу соҳада ҳам ҳушёрликни бой бермаслик лозим, бизнинг идеология ишимиз эса жанговар характерда бўлиши, буржуа идеологиясини ва унга либералларча муносабатда бўлишни кескин равишда фош қилиб бориши лозим.

Марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган Коммунистик партия партиямиз билан ишчилар синфининг шонли жанговар традицияларини мусаффо сақлаш ва бутун чоралар билан кўпайтиришни, совет халқининг бутун кучи ва ғайратини коммунизм қурилишида янгидан-янги катта ғалабаларга эришишга сафарбар қилишни ўзининг асосий вазифаси, деб билади.

Ўртоқ М. А. Суслов ўз нутқида ташқи сиёсат масалаларига тўхталиб ўтди.

Халқаро вазиятни, унда рўй бераётган баъзи жуда қарамақарши йўналишдаги мураккаб процессларни анализ қилган ҳолда, деди у, аввало, жаҳон воқеалари жараёнидаги етакчи тенденцияларни кўра билиш лозим. Бу тенденциялар — жаҳон социалистик системасининг қудрати ва унинг халқаро нуфузи янада ўсиб бораётганлиги, халқларнинг миллий озодлик кураши натижасида империализмнинг мустамлакачилик системаси емирилаётганлиги, капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг кураши кучайиб бораётганлиги, тинчлик ва социал тараққиёт учун демократик ҳаракат ўсиб бораётганлигидир.

Ўз-ўзидан равшанки, жаҳондаги воқеалар тўғри бир чизиқ бўйлаб ривожланиб бормайди. Тинчлик, демократия, миллий озодлик ва социализм кучларининг империалистик агрессия ва реакция кучларига қарши кескин курашида революцион қурашчиларнинг айрим отрядлари баъзан муваффақиятсизликка учраб, вақтинча чекинмоқдалар. Аммо, бу ҳол ҳозирги даврни — жаҳон миқёсида капитализмдан социализмга ўтиш даврини характерловчи ривожланишнинг умумий йўналишини ўзгартираётгани йўқ ва ўзгартира олмайди.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати совет социалистик давлати табиатининг ўзидан келиб чиқувчи ленинча ташқи сиёсатни оғишмай ўтказиб келмоқдалар. Социализм ва коммунизм қуриш учун энг қулай шарт-шароитларни таъминлаб бериш, социалистик мамлакатлар бирлиги, дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш, халқларнинг миллий ва социал озодлик учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаш, янги мустақил давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, халқаро ишчилар синфи билан бирдамликни ривожлантириш, давлатларнинг ижтимоий тузумидан қатъи назар, уларнинг тинч-тотув яшаши принципларини қарор топтириш, империализмнинг агрессив кучларига кескин зарба бериш, янги жаҳон урушининг олдини олиш — ташқи сиёсатимизнинг бош йўлидир.

Ҳозирги вақтда халқаро вазият тинчлик тақдирини қадрловчи барча кишиларни жиддий ташвишга солмоқда. Ҳозирги замоннинг асосий реакцион кучи бўлган Америка империалистлари Шарқи Жанубий Осиёда иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган энг қалтис можороларни бошлаб юбордилар. Беҳаё империалистик агрессия, халқаро ҳуқуқни қўпол равишда поймол қилишдан иборат ваҳшиёна ҳаракат кенгайтирилмоқда. Америка интервенцияларининг армияси Жанубий Вьетнам халқига қарши жиноятларини ҳеч ким ҳеч ҳаёсиз ва ҳеч ким ҳеч ҳаёсиз ва ҳеч ким ҳеч ҳаёсиз ва

БИЗНИНГ КУЧИМИЗ—ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БИРЛИГИДАДИР

(Боши учинчи бетда).

Сўнгги йилларда Совет Иттифоқининг социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар билан алоқалари ўсди ва мустаҳкамланди. Бу алоқалар тағин ҳам самимий бўлиб қолди. Мамлакатимизнинг ашаддий душманлари ва марксизм-ленинизмдан юз ўгирган кимсаларгина буни тан олмаяптилар.

Қардош марксчи-ленинчи партияларнинг КПСС XXIII съезди ишида қатнашган вакиллари партиямиз ленинчи Марказий Комитетининг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини жипслаштиришга қаратилган фаолиятини маъқулладилар. Биз, совет коммунистлари, қардош марксчи-ленинчи партияларнинг ишончини юксак қадрлаймиз ва социализм мамлакатларининг, жаҳондаги барча прогрессив кучларнинг бирлиги доимо ўсиб ва мустаҳкамланиб бориши учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Яқинда мен Марказий Комитетнинг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилик қилган КПСС делегацияси составида Чехословакия Коммунистик партиясининг XIII съезди ишида қатнашдим. Съездда ҳозирги замоннинг барча туб масалалари юзасидан Чехословакия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси қарашларининг бирлиги, чехословак ва совет халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлиги зўр куч билан намойиш қилинди. Бу катта революцион дўстлик мамлакатларимизда социализм ва коммунизм қуришдан иборат буюк ишга хизмат қилиб келди ва хизмат қилаверади.

Нотиқ яна бундай деди: сўнгги йилларда империалистик мамлакатлар ва аввало, Америка Қўшма Штатлари ўзларининг агрессив сиёсатини кучайтириб юбордилар. Куролли можаролар келтириб чиқармоқдалар. Америка империалистларининг Вьетнам халқига қарши қилаётган босқинчилик уруши, уларнинг революцион Куба ва Доминикана Республикасидаги ҳарбий интервенцияси — буларнинг ҳаммаси халқаро кескинликни ва уруш хавфини кучайтиришга олиб келди.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари батамом ва бутунлай Вьетнам халқи билан Куба халқи тарафида турибдилар. Совет кишилари шунга гоят аминдирларки, Вьетнам халқи Америка агрессорларига қарши адолатли курашда ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиб қолади.

АҚШ империалистлари йигирма йилдирки, Ғарбий Германия реваншчиларига йўл қўйиб бериш сиёсатини ўтказиб келяптилар, бу эса Европа халқларининг хавфсизлиги учун жиддий таҳдид солмоқда. Бонн ҳукмдорлари тарих сабоқлари билан ва жаҳондаги кучларнинг ҳозирги нисбати билан ҳисоблашишни истамаётганга ўхшайдилар. Улар аслида Кайзер ҳарбийлари билан гитлерчи фашист босқинчиларни дор остига олиб келган эски сиёсатни ўтказмоқдалар.

Америка ва Ғарбий Германия империалистларининг макрли ҳаракатлари биздан Совет Иттифоқи Куролли Кучларини доимо мустаҳкамлаб боришни, сиёсий ҳушёрликни оширишни талаб қилади. Тинчлик ва тараққиёт душманларини фош қилиб ташлаш, ҳар қандай агрессор бизнинг Ватанимизга ёхуд социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларга ҳужум қилишга ботинадиган бўлса, уни емириб ташлашга ҳамиша шай бўлиб туриш керак.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабалари устида, тинчликни ҳимоя қилиш ва сақлаш устида, душман буржуа идеологиясига қарши биз олиб бораётган кураш ҳеч қандай муросасозлик қилаётганимиз йўқ ва муросасозлик қилишимиз мумкин ҳам эмас. Бу ўринда биз муросасизмиз ва тогдек маҳкам турамиз.

Жаҳонда биринчи бўлиб янги жамият қуришдек юксак масъулият совет халқининг зиммасига тўғри келди. Зотан бизнинг кўп миллатли буюк меҳнатсевар халқимиз бутун инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм йўлини муваффақиятли суратда очиб бормоқда.

Ҳозир партиямиз билан халқнинг алоқалари ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамдир. Чет элларда совет кишиларини кўпинча коммунистлар деб атайдилар. Бу гапга қўшилса бўлади, чунки ҳақиқатан ҳам шундай. Коммунистик идеология партиямизниггина эмас, шу билан бирга, бутун совет халқининг ҳам идеологияси бўлиб қолди.

Коммунистлар билан партиясизларнинг қудратли блокида Коммунистик партия билан халқнинг буюк ва бузилмас дўстлиги алоҳида зўр куч билан намоён бўлмоқда. Бу — социалистик турмуш тартибимизнинг, кўп сонли душманларга қарши, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун, социализм ва коммунизм учун олиб борган муштарак курашимизнинг натижасидир. Сайлов халқимиз совет кишиларини ғалабадан ғалабага комил ишонч билан бошлаб бораётган Коммунистик партия теварагида тош-метиндек жипслашганлигини бутун дунёга яна бир бор кўрсатади.

П. Е. Шелест ўз нутқини тамомлаб, юксак ишонч билдирганликлари учун барча сайловчиларга сидқидилдан яна бир марта миннатдорчилик билдирди ва уларга шахсий ҳаётда зўр бахт-саодат, мамлакатимизда коммунизм қуриш йўлида қилаётган меҳнатларида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

ФАН ПРОБЛЕМАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ

БУЮК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧ

Республика партия активининг 7 июнда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши партия XXIII съездининг қарорлари асосида Ўзбекистонда фанни ривожлантириш проблемаларига бағишланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов йиғилишни очиб сўзлаган нутқида дедики, бизнинг партиямиз улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, фанни ривожлантириш тўғрисида ҳамиша жуда катта ғамхўрлик қилиб келди ва ғамхўрлик қилмоқда. КПСС XXIII съезди илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш масаласига зўр эътибор берганлиги бунинг ёрқин далилидир. Фан бизнинг мамлакатимизда жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучига айланди, у, совет кишилари меҳнатининг характерининг ўзгартириб қолмасдан, шу билан бирга совет кишилари моддий ва маънавий ҳаётининг бутун укладини ҳам ўзгартирмоқда.

Кейинги йилларда, деди ўртоқ Рашидов, республикамизда фанни ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлаш борасида бир талай ишлар қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси анча мустаҳкамланди, унинг бир қанча янги институтлари ва лабораториялари очилди. Тармоқ илмий тадқиқот институтларини ривожлантириш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. Кўпгина таланти олимлар ва илмий ходимлар етишиб чиқди. Улар ўз тадқиқотлари билан энг муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал қилишда, маданиятни ривожлантиришда ва кадрлар тайёрлашда актив қатнашмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси бизнинг илмий тадқиқот муассасаларимиз ва олий ўқув юртларимиз коммунистик қурилиш даврида ўз олдиларига партия томонидан қўйилаётган ҳар қандай вазифаларни уддалашга қодир эканликларини кўрсатиб турибди.

Илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва йўналтиришнинг, практика билан алоқаларни мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлашнинг конкрет проблемаларини муҳокама қилишда партия ва совет ходимлари, олимлар, ишлаб чиқариш ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов доклад қилди.

— КПСС XXIII съезди, деди докладчи, фан партия ва халққа коммунизм қуришда ёрдам бериши, моддий ва маънавий бойликларни кўпайтириш, совет кишиларининг турмушини тағин ҳам яхшироқ ва сермазмун қилиш ишларига ёрдам бериши лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди. Коммунистик партиянинг ғамхўрлиги туфайли мамлакатимизда энг мураккаб проблемаларни ҳал қилиб бера оладиган жуда кўп ажойиб олимлар ўсиб етишди.

Совет фани ва унинг етакчи штаби бўлган Иттифоқ Фанлар академияси бутун дунёда жуда катта обрў қозонди. Барча иттифоқдош республикалардаги фанлар академияларининг ва илмий муассасаларнинг ўсиши ва мустаҳкамланиши СССР Фанлар академиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Халқ хўжалик вазифаларини ҳал қилишда Ўзбекистон олимлари ҳам актив қатнашмоқдалар.

Республикамиздаги 144 та илмий тадқиқот муассасаларида ва 32 та олий ўқув юртида илмий текшириш ишлари олиб борилмоқда. Бу муассасалар ва олий ўқув юртларида 16,5 минг илмий ходим ишламоқда.

Сонлар назариясини, математик статистиканы, топологияни, эҳтимоллик назариясини, дифференциал тенгламалар назариясини ривожлантиришда, об-ҳавони олдиндан айтиб беришнинг математик методларини, маҳсулот сифатини контроль қилишнинг статистик методларини ишлаб чиқишда, ҳисоблаш математикаси ва техникасида қимматли натижалар қўлга киритилди. Ядро физикаси соҳасида активацион анализ ва катта дозаларни ўлчашнинг янги методлари ишлаб чиқилди. Академиянинг Ядро физикаси институти СССРдаги барча илмий муассасаларнинг шу соҳада олиб бораётган ишларини координация қилиб турибди.

Геологларнинг тадқиқотлари Ўзбекистон территориясида фойдали қазилмаларнинг янги манбалари борлигини олдиндан айтиб беришга ва шу манбаларни топишга имкон берди. Ўрта Осиёнинг суғориладиган территориясини гидрогеологик районлаштириш ишлари ўтказилди. Ғўзани суғориш режимларини асослаб бермоқ ва ер ости сувларидан фойдаланмоқ учун бу ишларнинг аҳамияти жуда катта. Кимёгарларимиз назарий ва амалий аҳамиятга эга катта ишларни бажардилар. Алколоидларни, глюкозидларни ўрганиш, яхши натижа берадиган дори-дармонлар ҳосил қилиш соҳасида олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ҳаммага маълум бўлди. Энергетика ва автоматика, машинасозлик, механика ва бошқа техника фанлари соҳасида қимматли натижалар қўлга киритилди.

Ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтлари, шуннингдек биология профилидаги институтлар ўзларининг асосий фаолиятларини пахтачиликни янада юксалтириш учун курашга бўйсундирмоқдалар. Республикада экилаётган пахта навларининг ҳамма ўзбекистон олимлари етиштириб берган навлардир. Пахтаниг бир қанча янги серҳосил ва тезпишар навлари ҳозирги вақтда давлат синовларидан ўтказилмоқда.

Медицина фани соҳасида анчагина муваффақиятларга эришилди. Республикада кўп учрайдиган бир қанча касалликларни тугатишга доир яхши натижалар берадиган чораларни ишлаб чиқишга имкон берувчи тадқиқотлар ўтказилганлиги айниқса аҳамиятлидир.

Олимларимиз бажарган кўпгина ишлар ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун топширилди, бу эса анча иқтисодий самара берди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши ва Экономика институти томонидан Оҳангарон—Олмалиқ кон-саноат районини ривожлантиришга, Мирзачўлни ўзлаштиришга, республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг Бош схемасини тузиб чиқишга доир комплекс ишлари катта халқ хўжалик аҳамиятига эга.

КПСС XXIII съезди ижтимоий фанларнинг коммунизм қуришдаги катта роли ва юксак масъулиятини қайд қилиб ўтди. Республикада социалистик ва коммунистик қурилиш практикасини, жумладан жамиятимиз социал структурасининг ўзгариб боришини умумлаштиришга доир самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бир қанча тадқиқотлар ҳозирги замон табиёт фанининг фалсафий масалаларига. Ўзбекистон халқлари ва чет эл Шарқининг бизга чегарадош мамлакатларида яшовчи халқларнинг ижтимоий-фалсафий фикрларини ўрганишга, диалектик ва тарихий материализм проблемаларига бағишланмоқда. Тарихчиларимизнинг асарларида Улуғ Октябрь социалистик революцияси тарихининг актуал масалалари ёритилмоқда. Тилшунослар ва адабиётшунослар ўзбек совет адабиётининг ривожланиш проблемаларини, социалистик реализм, традициялар ва новаторлик проблемаларини ишлаб чиқмоқдалар, қардош адабиётларнинг бир-бири билан алоқасини кенг ўрганмоқдалар.

Шу билан бирга эътироф қилиш керакки, деди докладчи, республика олимларининг кўп сонли коллективи ўзларининг халқ, давлат ва партия олдидаги бурчларини адо этиш соҳасида ҳали кўп иш қилишлари лозим.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш усулларни шу вақтгача асосан далаларда жуда кўп тажрибалар ўтказиш йўли билан ишлаб чиқилиб келди. Бу ишда назарий асослашга ҳамда тупроқда ва ўсимликларда рўй берадиган жараёнларни чуқур кузатиб боришга етарли эътибор берилмади. Пахта агротехникасига доир берилаётган тавсиялар баъзан бир-бирига зид ва бахсли бўлиб қолмоқда. Илмий тадқиқот ишларини ҳозирги замон даражасига кўтариш, ёндош назарий фанлар: физика, химия, биохимия фанлари эришган натижалардан кенг фойдаланиш керак. Пахтачилик проблемалари устида иш олиб бораётган институтлар турли идоралар қарамоғида қолиб келмоқда. Пахтачилик соҳасидаги ишларни координация қилувчи марказ вужудга келтириш зарурлиги тарчи етилган масала бўлса ҳам, аммо шу вақтгача бундай марказ тузилгани йўқ.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида суғориладиган деҳқончиликни ва ерларни мелиорация қилишни ривожлантиришга доир жуда муҳим қарорлар қабул қилинди. Бу соҳада иш олиб бораётган олимларнинг ҳаммаси тадқиқотларнинг бу қисмини кенгайтиришлари ва чуқурлаштиришлари мутлақо зарур.

Фундаментал фанлар соҳасидаги тадқиқотларга таянғ иш олиб борилганидагина халқ хўжалигини ривожлантириш ва техникани тараққий эттириш мумкин. Кейинги йилларда бизнинг физикаларимиз бир қанча муҳим натижаларга эришдилар. Бироқ, физика институтларининг ва олий ўқув юртлари кафедраларининг ишларини ташкил этиш ва йўналтиришда бир қанча камчиликлар бор. Назарий тадқиқотлар тузук ривожлантирилмаётир. Ишлаб чиқариш билан доимий алоқа боғланмаган.

Синтетик органик ва полимер химияни ривожлантирмоқ учун республикамизда анчагина ҳом ашё базаси бор. Бироқ, бу соҳада республикамизда олиб борилаётган тадқиқотларни асло етарли деб бўлмайди.

Медицина фани соҳасида юрак томир, индокрен гематологик касалликларни ўрганишни, вирусларнинг табиатини ва генетикасини тадқиқ қилишни, патогенезини ва иммунитетни тадқиқ қилишни, ирсий хоссаларни ўтказишда нуклэин кислоталарнинг ва оқсилнинг ролини тадқиқ қилишни кучайтириш, республикада курортларни кўпайтириш зарур.

СССР Фанлар академиясининг президиуми Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий ишларини ва структурасини муҳокама қилганида тадқиқотларимизнинг илмий даражасини янада ошириш ва чуқурлаштириш зарурлигига эътиборни жалб қилди. Олий ўқув юртлари ва тармоқ институтлари ўтказаётган тадқиқотларга нисбатан ҳам, шундай талаб қўйиш керак.

Институтлардаги лабораторияларда ўтказилаётган тадқиқотларнинг натижалари билан бу натижаларни саноат миқёсида тажриба қилиб синовдан ўтказиш ишлари бир-биридан ажралиб қолаётганлиги фан муваффақиятларини ишлаб чиқаришга тез жорий қилишга ҳалақит бермоқда. Илмий тадқиқотлар аввало халқ хўжалигини ва маданиятни партия XXIII съезди Директивларида кўзда тутилганидек ривожлантиришга ёрдам бериши лозим. СССР Фанлар академиясининг президиуми республика фанлар академиясининг асосий вазифаларини белгилаб олишда катта ёрдам берди. Мамлакат фан штабининг бизга бераётган эътиборини жумладан, шу факт ҳам кўрсатиб турибдики, СССР Фанлар академиясининг президиуми Тошкентда Сейсмология институти ташкил этиш тўғрисидаги таклифни маъқуллади.

Илмий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш, деди докладчи, илмий тадқиқотларни кенг ривожлантириш ва юқори даражага кўтаришни таъминловчи энг муҳим ҳал қилувчи факторлардан бири. Олий малакали илмий ходимлар — фан докторлари ва кандидатлари республикамизда кейинги беш йилнинг ўзидагина 1670 киши миқдорида кўпайди. Бу анчагина катта ўсиш бўлса ҳам, бизни қаноатлантира олмайди. Физика-математика, техника фанларидан ва иқтисодий фанлардан фан докторлари айниқса кам тайёрланмоқда.

Аспирантура — илмий кадрлар тайёрлашнинг асосий формасидир. Кўпгина ёш тадқиқотчилар Москва, Ленинград ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги аспирантураларда ўқитилмоқда. Лекин бу ишда камчиликлар ҳам кўп.

Республика олимлари КПСС XXIII съездининг қарорларига амал қилиб, деди докладчи, илмий тадқиқотларнинг савияси, сифати ва натижадор бўлиши ҳозирги босқичда олдимизда турган катта вазифалар даражасига тўла мувофиқ келиши учун ўзларининг бутун куч ва билимларини сарфлайдилар. Улар партия ва совет халқининг юксак ишончини оқламоқ, коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшмоқ учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Музокараларда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри **Т. А. Саримсоқов** биринчи бўлиб сўзга чиқди. У айтдики, республикадаги олий ўқув юртларида саккиз мингдан кўпроқ илмий ходим ва ўқитувчи ёш мутахассисларни тайёрлаш иши билан шуғулланмоқда. Кейинги беш йил ичида олий ўқув юртларидаги педагогларнинг состави 3700 кишига кўпайди. Мутахассисларнинг салкам 28 проценти илмий даража ва унвонларга эга. Лекин бу ҳали етарли эмас. Шу сабабли олий ўқув юртларида аспирантурани кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда аспирантуранинг барча турларида 1200 дан кўпроқ киши ўқимоқда.

Олий ўқув юртларида катта илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Сўнгги уч йил ичида 3360 тема, шу жумладан 219 энг муҳим темаларда асарлар ёзилди. 645 иш ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш керакки, планларда назарий ва амалий жиҳатдан унча аҳамиятли бўлмаган темалар ҳам ҳали учраб туради. Корхоналар ва ташкилотлар билан шартномалар тузиш асосида илмий-тадқиқот ва тажриба ишлари ҳажмининг янада кенгайтирилишига эришиш зарур.

Тошкент политехника институтининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **М. Т. Уразбоев** ўз сўзида бундай деди: Илмий тараққиёт резервлари борлиги ҳақида мунозара бораётган бу пайтда, Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети республикамизда ҳисоблаш ишини ривожлантириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда. Ўрта Осиёда биринчи марта ташкил қилинган ҳисоблаш марказига эга бўлган кибернетика институти ала шундай ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Бу ерда назарий программа билан бир қаторда халқ хўжалигининг турли тармоқлари — газ саноати, геология, пахтачилик, транспортга оид катта-катта вазифалар ҳал қилинмоқда. Сейсмологлар билан биргаликда Тошкентдаги зилзила оқибатлари юзасидан илмий маълумотлар ишлаб чиқиш ҳисоблаш ишлари кенг программаси тузилди.

Мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда Ўрта Осиёдаги олий ўқув юртларининг студентлари, ўқитувчилари, кўпгина тармоқларнинг мутахассислари практикадан ўтмоқдалар.

Дастлабки ҳисоб-китобларга шундан далолат бермоқдаки, республика учун яқин беш йил ичида ҳисоблаш техникаси ва математикаси бўйича минглаб мутахассислар зарур бўлиб қолади. Тошкент политехника институтини ва университетни тамомлаб чиқаётган ёшлар бу эҳтиёжни қоплай олмайди. Шунинг учун ҳисоблаш математикаси кафедрасини ташкил қилиш, барча педагогика олий ўқув юртларида эса кибернетика профилидаги фанни жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, токи бўлажак ўқитувчилар мактабларда болаларга кибернетика асосларини сингдира оладиган бўлсин.

Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **А. У. Умаров** Самарқанддаги олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари партия ташкилотларининг иш тажрибаси тўғрисида гапириб берди. Бу институтларда 1400 дан кўпроқ коммунист ишлаб турибди. Шаҳар партия комитети институтларда ва илмий тадқиқот муассасаларида ўзининг бутун ишини партия ташкилотлари орқали олиб бормоқда, уларнинг фаолиятини илмий ишларни ва илмий кадрлар тайёрлашни янада яхшилашга қаратмоқда. Бу масалалар шаҳар партия комитетининг бюросида ҳам тез-тез қараб чиқилмоқда.

Нотиқ Самарқанд университети, қишлоқ хўжалик, медицина, кооператив институтлари ва Бутуниттифоқ қорақўйчилик илмий тадқиқот институтининг олимлари эришган ютуқлар ҳақида батафсил гапириб, КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумларидан кейин областда иқтисодий ишлар анча кучайиб кетганлигини таъкидлаб ўтади. Область партия комитети кадрларнинг иқтисодий билимларини ошириш, ҳисоб-китоб ва ҳисобот ишларини йўлга қўйиш соҳасида кўп иш қилди. Барча бошланғич партия ташкилотларининг диққат-эътибори экономика масалаларига қаратилди, олий ўқув юртларининг илмий ходимлари ҳам бу ишдан четда қолмадилар. Улар районларга бориб, экономика қунини ўтказишда актив қатнашдилар докладлар қилдилар ва лекциялар ўқидилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **Э. И. Адирович** ўз сўзида Академия президиуми тадқиқот ишларини уюштириш билан, тематикани тўғри танлаш, ишларга объектив баҳо бериш билан боғлиқ бўлган бир қанча муҳим масалаларни ҳал қилиши керак, деди. Ҳозирги вақтда физика-техника институтида муҳим проблемалар билан боғлиқ бўлган бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бир қанча темалар юзасидан натижалар ҳам олинди, бу натижалар назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Чала ўтказгичларни ўрганиш соҳасида тошкентлик физиклар эришган муваффақиятлар ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда. Лаборатория техникаси ривож топди. Афсуски, бу соҳадаги ишларнинг кўпи физика-техника ва математика фанлари бўлими раҳбарларининг эътиборидан четда қолди. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш зарур омил эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо шунга қарамай, академияда бу масалага етарли аҳамият берилмаётир. Биз жуда кўп ёзма кўрсатмалар оламиз, баъзан эса муҳим ишларни қилиш учун вақт етишмай қолади. Чунончи, физика-техника институтини устахоналар билан таъминлаш юзасидан ҳозиргача чора кўрилгани йўқ.

Нотиқ патент ишини яхшилаш тўғрисида ўз фикрларини айтиб ўтди. У, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида патент бюроси ташкил қилиниши лозим, бу бюро тадқиқотларнинг натижаларини практикага жорий қилишда ёрдам берган бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Бутуниттифоқ пахтачилик институтининг директори **Н. М. Манонов** сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтди: Партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитети март ва май Пленумларининг қарорлари асосида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш бюджончилик маданияти даражасини энг кўп ошириш негизига қўйилиши лозим. Бунинг учун агробиология фанининг муваффақиятларидан ва ишлаб чиқариш новаторларилнг тажрибасидан кенг қўламда фойдаланиш керак.

Республика пахтачилиги фан ютуқларига таяниб, катта муваффақиятларга эришди, янада ривожланиш учун мустаҳкам базага эга бўлиб қолди.

Ерларнинг шўр ва зах босишига қарши кураш муҳим проблемадир. Ана шундай ерларда гектар бошига 30-35 центнер ва бундан ҳам кўп пахта олишни таъминлайдиган гидротехника ва агромелиорация тадбирлари комплекси ишлаб чиқилди. Тупроқда вилтнинг тарқалишини, ғўзанинг вилт билан зараранишш миқёсларини ва ўзнинг келтирадиган зарарларини анча камайтирувчи чоралар системаси тавсия этилди. Бошқа кўпгина проблемалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Бироқ, бир қанча институтлардаги илмий тадқиқотлар лозим даражада юксак назарий савияда олиб борилмади.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети фақат бизнинг республикамизда эмас, балки Ватанимизнинг Шарқида олий таълим ва илмий тадқиқотларга асос солди, деди университет ректори Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **С. Х. Сирожиддинов.** Республикада илм фан ривожини кўп жиҳатдан белгилаб берган илмий мактаблар, йўналишлар шу университетда шакилланди.

Ҳозирги вақтда Тошкент университети илмий тадқиқотлар олиб бориш жиҳатидан Фанлар академиясидан кейин республиканинг иккинчи илмий марказидир. Университет билан академия ўртасида амалий алоқалар ўрнатилган.

Нотиқ тадқиқотлар ва кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш хусусидаги бир қанча мулоҳазаларини айтиб ўтди ва Ўзбекистонда математика журнали нашр этишни таклиф қилди.

Ўрта Осиё табиий газ илмий тадқиқот институтининг директори **У. Д. Мамажонов** ўз сўзида қуйидагиларни айтди: Ўрта Осиё республикаларида ва Ғарбий Қозоғистонда табиий газнинг жуда катта потенциал ресурслари борлиги ана шу районларнинг Совет Иттифоқи газ қазиб чиқариш саноатини ривожлантиришдаги алоҳида ролини белгилаб бермоқда. Институт геология ва конларни тайёрлаш, газни ташиш ва ўни халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатиш соҳасидаги кўпгина проблемаларни ҳал қилиб бериши зарур.

Институтнинг бир қанча ишлари халқ хўжалигига жорий этилмоқда. Чунончи ёқилғи билан ишлайдиган электростанцияларда, цемент заводларида бир қатор янгиликлар жорий этилди. Институт Бухоро — Урал газ қувурининг қандай ишлатилаётганлигини назорат қилиб турибди ва Ўрта Осиё — Марказ газ қувурини лойиҳалаштиришда қатнашмоқда.

Табиий ва суюлтирилган газ, деди нотиқ, қишлоқ хўжалигида катта фойда келтириши мумкин — газ культивацияси ва ғўза баргини тўкишда, пахта, мева ва узумни қуритишда, пиллани димлашда, теплицаларни иситишда газ жуда қўл келади. Институт маҳаллий партия ва хўжалик органларининг қўллаб-қувватларидан таҳдирда, бу соҳада бирталай ишларни бажариб бериши мумкин бўлур эди.

Республика Фанлар академиясида, деди тил ва адабиёт институтининг директори **К. Х. Ҳонаэров,** гуманитар фанлар соҳасида ишловчи олимларнинг катта отряди бор. Сўнгги йилларда тил ва адабиёт институтида қардош адабиётларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро алоқаларини, адабиёт назарияси масалаларини ўрганувчи бир қанча янги секторлар тузилди.

Қарийб минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек адабиётини кўп томлик тарихи яратилмоқда. Биринчи марта ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳам тузилмоқда.

Ниҳоят, яна бир масала — ўзбек совет энциклопедиясини яратиш масаласидир. Энциклопедияни чиқаришга кўпроқ эътибор берилишини истар эдик.

Ўзбекистон ССР Қонунчилик палатасининг раиси Ш. Ш. Шамсиддинов ўз сўзида ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва ўсиши, ер ости бойликларини ўрганиш, ер ости сувларидан фойдаланиш, ер ости иншоотлари ва ер ости ишлаб чиқаришини ривожлантириш, ер ости ишлаб чиқаришини ва ер ости иншоотларини лойиҳалаштириш, ер ости ишлаб чиқаришини ва ер ости иншоотларини қурилиш ишлаб чиқаришини ривожлант